минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 22 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ   № 15 (11.076)   Баҳоси эркин нархда

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги бичиш-тикиш курси қатнашчилари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов «Ораста қиз» деб номланди.

●**«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган хайрия тадбирида шаҳримиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ташаббуси билан уюштирилган тадбир солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланди.

●**РЕСПУБЛИКА** Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ташаббуси билан шифокорлар иштирокида грипп хасталигининг аҳоли орасида тарқалишининг олдини олиш чораларига бағишланган тадбир ўтказилади.

●**БАДИИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида ёш рассомлар Ойзода Жуманиёзова ва Гулнора Раҳмоноваларнинг расмлар кўргазмаси санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

●**РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлиги қошидаги тадбиркорликни ҳимоя қилиш бошқармаси ташаббуси билан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар иштирок этишди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академияси қошидаги Иммунология институтида экспериментал иммунологияни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА "МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН" МАВЗУИДАГИ ФОТО КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.



Танловлар

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН"

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ижодий беллашувда юртимизнинг барча минтақаларидан фотоижодкорлар иштирок этди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маҳаллаларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада юксалтириш, асрлар давомида сайқал топиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Айни пайтда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялаш, улар онги ва қалбига эзгулик, бағрикенглик, меҳр-мурувват каби олижаноб туйғуларни сингдиришда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу фото кўрик-танловни ташкил этишдан асосий мақсад ҳам маҳалланинг айнан ана шу жиҳатларини кенгроқ очиш ва оммалаштиришдан иборат эди. Конкурсга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қирққа яқин ижодкордан салкам икки юзга яқин ижодий иш келди.

Бош совринга "Маҳалла" газетаси фотомухбири Руслан Галиев "Маслаҳатчи, ёшларга ғамхўр" мавзуидаги туркум ишлари учун сазовор бўлди. Биринчи ўринга самарқандлик фахрий фотоижодкор Василий Болотов "Донишманд" фотоасари учун, иккинчи ўринга Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Рустам Шарипов "Маҳаллада тўй" ижодий иши учун, учинчи ўринга "Санъат" журнали бош муҳаррири Нодир Норматов "Кичик ошпаз" мавзуидаги ижодий иши учун лойиқ топилди. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

М. ПИОНТЭК:

ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

ЎТГАН 2007 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ЎРТАСИДАГИ САВДО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КИРДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ, — ДЕДИ ПОЛЬША ЭЛЧИХОНАСИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДО БЎЛИМИ БОШЛИҒИ, ЭЛЧИХОНА МАСЛАҲАТЧИСИ МАРЭК ПИОНТЭК. — ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ТОВАР АЙИРБОШЛАШ 609 МИЛЛИОН ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ 2006 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 11 ФОИЗ КЎП ДЕМАКДИР.

М. Пионтэкнинг таъкидлашича, Тошкентда Польша ва Ўзбекистон давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик келишувининг имзоланиши ҳар икки давлат учун ҳам самарали бўлди. Бу ҳужжат икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини беради. Келишувга биноан жорий йилдан иқтисодий муносабатлар бўйича Польша — Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссияси қайта иш бошлайди. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга хизмат қилувчи мазкур комиссиянинг йиғилиши жорий йилда Тошкентда бўлиб ўтади.

Польша иқтисодиёт вазири ўринбосари Марцином Королец бошчилигидаги делегациянинг Тошкентга ташрифи ҳам иқтисодий муносабатларнинг янада равнақ топишига замин яратди. Икки давлат иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари худди шу расмий ташрифи чоғида белгиланган эди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишида Тошкентда ўтказилган халқаро кўргазмалар ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2007 йилнинг 2-7 октябрь кунлари ўтказилган "ПОЛЬША — 2007" Польша миллий кўргазмаси шулар жумласидандир. Унда Польшанинг 45 дан ортиқ фирма ва компаниялари қатнашди. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган тадбиркорлар ва ишбилармонлар кўргазмани катта қизиқиш билан кузатишди.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИ — МУҲОФАЗАДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ДЕПУТАТЛАР, ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахслар этиб воярга етказиш, йигит-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидладилар.

Бу борадаги вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Яъни, мустақиллик йилларида юртимизда ушбу йўналишда юзга яқин қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ва шу йўналишдаги бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани ўз самарасини бераётир.

Юртимизда кўплаб лицей, коллеж ва мактаблар, спорт иншоотлари барпо этилди, мавжудлари тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Янги миллий таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Амалга оширилаётган ана шундай изчил ислоҳотлар туфайли ёшларнинг билими ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалмоқда. Йигит-қизларимизнинг миллий ва халқаро миқёсдаги танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги фаоллиги йилдан-йилга ошиб бораётир.

Юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос институциал тизими шаклланган, айниқса, эътиборлидир. Бу борада жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаол иш олиб бораётир. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти йўлга қўйилгани ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб жамоат бирлашмалари ҳам бу борадаги кенг кўламли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай тузилмалардан биридир. Ёшлар ташкилотлари томонидан жойларда «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари фаолияти йўлга қўйилгани бу борада айни муддао бўлди. Бундай марказларга ташриф буюраётган ёшлар ўз ҳаётида учраётган муаммоларни ечиш учун тегишли маслаҳатлар олиш, қўшимча ҳунар ўрганиш, ҳуқуқий билимини янада ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда жорий йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилар экан, ушбу йўналишда ўз ечимини кутаётган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ёш авлод манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Шу йилнинг 7 январида қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Анжуманда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, бу борадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Самарқанд шаҳрида Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг давра суҳбати шаклидаги минтақавий ўқув-семинари бошланди.

●Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги тадбиркор, фаол ёшлар 2008 йилда маҳаллаларни обод масканга айлантириш ташаббуси билан чиқдилар. Жорий йилда мавжуд 10 та сувдан фойдаланувчилар уюшмасида 10 гектардан ошиқ майдонда боғ яратилади. Айни кунларда корхона-ташкилотлар, фермер хўжаликлари ёрдамида маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, сув иншоотлари таъмирланяпти. Кўчат экиладиган ерлар кўкламга тайёрлаб қўйилмоқда.

●Қашқадарё вилояти Ёшлар марказида «Балли, йигитлар» кўрик- танлови ўтказилди.

●Минтақа темир йўл ҳаракатини яхшилаш борасида катта қулайликлар яратган «Қарши-Тошкент-Қарши» тезюрар йўналишида йўловчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида янги иш жадвали жорий этилди. Яъни, эндиликда йўловчилар ҳафтасига беш марта мазкур йўналиш бўйича қатнашлари мумкин.

●«Камолот» ЁИҲ Тошкент вилояти бўлими ёшлар камолоти йўлида яна бир хайрли ишга қўл урди. Қисқа фурсатда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларида таркибида компьютер саводхонлиги, чорвачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, ёш оила тўгараклари мавжуд бўлган 9 та ёшлар ижтимоий хизматлар марказини ташкил этди.

●«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти яқинидаги Тилло тоғ бағрида диабаз-пироксемит хомашёси топилди. Бу маъдан конида темир элементининг кўплиги маҳсулот сифатининг ошишида замин яратади. Эндиликда мазкур топилма цемент ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб, унинг четдан келтирилишига барҳам беради.

●Самарқанд шаҳрида вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг бир ҳафталик ўқув-семинари бўлиб ўтди.

● Ғаллаоролда қуриб битказилган «Лалмикор» деҳқон бозори қишлоқ кўркига айланди. Бозордаги тўртта савдо павильонида 160 савдо ўрни, 15 та дўкон, бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, унинг қурилишига ҳомийлар томонидан 110 миллион сўм маблағ сарфланди.

●Андижонда «Йилнинг кашф этилган ёшлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Андижонннома» ва «Андижанская правда» газеталари таҳририяти ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этган мазкур танловда энг илғор ва ташаббускор ёшларнинг олти нафари ғолиб деб топилди.

ЖАҲОНДА

●Сербияда бўлиб ўтган Президент сайловларида ҳеч бир номзод биринчи турда ғалаба қозона олмади, яъни, талаб этилган 50 фоиздан кўп овоз ололмади. Эндиликда сайловнинг иккинчи тури 3 февраль куни ўтказилади.

●Афғонистон хавфсизлигига кўмаклашувчи халқаро кучлар мамлакат шимолидаги Балх, Жаузжон, Саманган ва Сара-Пул музофотларида «Қишки кийим» номли инсонпарварлик саъй-ҳаракатларини амалга оширди. Ушбу операцияни ўтказишдан мақсад, қаҳратон қишнинг аччиқ изғиринидан ва очликдан жабр кўраётган болаларга инсонпарварлик ёрдами беришдир.

●Фаластиннинг Ғазо сектори аҳолиси бир неча кундан буён электр энергияси инқирозидан қийналмоқда. Ушбу инқироз секторда ёқилғи етишмаслиги оқибатида юзага келган. Яъни бунга «Хамас» радикал ҳаракатининг ҳаракатларидан норози бўлган Исроил ҳарбийлари томонидан Ғазога озиқ-овқат, ёқилғи етказиб берувчи асосий назорат пунктининг ёпиб қўйилиши сабаб бўлган.

●Сомали пойтахти Могадишода президент қароргоҳига экстремист исёнчилар томонидан ҳужум уюштирилди. Қароргоҳга 5 та миномёт орқали зарба берилган. Бу вақтда мамлакат бош вазири Нур Ҳассан Ҳусайн қароргоҳда бўлган. Исёнчилар айнан Могадишони экстремистлардан тозалаган бош вазирга қарши суиқасд уюштиришни кўзлашгани айтилмоқда.

●Еврокомиссия Исроилни Ғазо секторига ёнилғи етказиб беришни тиклашга чақирди.

●Лос-Анжелисдан 75 километр жануби шарқда осмонда иккита енгил самолёт тўқнашиб кетиши натижасида 3 киши, самолёт парчаларининг йўлда ҳаракатланаётган автомобиль устига келиб тушиши оқибатида эса яна бир киши ҳаётдан кўз юмган.

●Қрим ярим оролида парранда грипни қайд этилди. Шу сабабдан маҳаллий паррандачилик фермаларидан бирида 25 мингга яқин товуқ йўқ қилинди. Ҳозирда ушбу ҳудудда ёввойи қушларни овлаш ман этилди.

●Германиянинг Франкфурт шаҳридан 109 йўловчи билан парвозни амалга ошираётган «А320» аэробуси юзага келган носозлик туфайли Москвадаги «Шереметьево» аэропортига қўнишга мажбур бўлди.

М. ПИОНТЭК:
ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Боши 1- бетда).

Кўргазма давомида Ўзбекистоннинг бир қатор вазирлик ва ташкилотлари иштирокида бизнес-форум ташкил этилди. Бундан ташқари, Польша делегацияси вакиллари Тошкент ва Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари ва фермер хўжаликлари билан яқиндан танишишди.

Польшадаги фирма ва компанияларнинг Ўзбекистонга қизиқиши йилдан-йилга ортмоқда. Буни уларнинг Тошкентда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда фаол иштирокида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, UzBuild, MEBEL, WorkFood-Uzbekistan, O'ZBEK in PRINT, O'ZUPACK кўргазмаларида польшалик фирма ва кампаниялар бевосита иштирок этди.

Элчихона маслаҳатчисининг маълум қилишича, 2008 йилда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда ҳам польшалик фирмалар фаол иштирок этади. Жорий йилнинг март ойида ўтказилажак UzBuild халқаро кўргазмасига ўнга яқин польшалик компания ва фирмаларнинг иштироки ҳамда Польша миллий стендини ташкил этиш режалаштирилган.

— Польша экспортининг ҳажми йилдан-йилга ошаётир. Дастлаб Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотларидан фақатгина шакар экспорт қилинган бўлса, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари экспорти ҳам ривожланди. Статистик маълумотларга қараганда, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ортаётир. Биргина 2007 йилда бу кўрсаткич 609 миллион долларни ташкил этган. Жорий йилда товар айирбошлаш ҳажмини 800 миллион доллардан ошириш режалаштирилган. Ўзбекистон Польшанинг Марказий Осиё ҳудудидаги пешқадам ва ишончли ҳамкори ҳисобланади, —деди пировардида М. Пионтэк.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йил ҳам энди тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июндан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

3-қават, 30, 35, 37-хоналар.

Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87.

Факс: 144-69-65

E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

Фармон ва ижро

ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

ТУРМУШИМИЗНИ ТЕХНИКАСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. ИЛҒОР ТЕХНИКА МЎЪЖИЗАСИДАН ҲАЙРАТЛАНМАГАН ЁХУД БАҲРАМАНД БЎЛМАГАН КИШИ ЙЎҚ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ, ЗАМОНАВИЙ АНДОЗАЛАР АСОСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ДАВРИДА, АЙНИҚСА МУҲИМ. БУНИНГ УЧУН ЭСА ЭНГ АВВАЛО, ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗ ВА АСБОБ-УСКУНАДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖОИЗДИР.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда хорижда ишлаб чиқарилган илғор техника ва технология, асбоб-ускуналарни мамлакатимизга жалб этиш бўйича бирмунча эътиборга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаларида хориждан келтирилган сўнгги русумдаги анжомлар намойиш этилаётир. Бундай кўргазмалар фаолияти натижасида юзлаб фермер хўжаликлари, микрофирма ва кичик корхоналар чет эллик ҳамкорлар билан қимматли шартномалар тузяптилар.

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам бу борада янада кенг имкониятлар очилишига замин яратди. Унга кўра, хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мол-мулк солиғидан озод этилди. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналарига ҳам қўшимча қулайлик яратилди. Улар учун беш йил давомида ягона солиқ тўловини тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган.

Бундай имтиёз ва имкониятлар натижасида тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг ўз корхоналарини модернизациялашга, замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатишга қизиқиши ва манфаатдорлиги тобора ортмоқда. Айниқса, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор кучайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан яратилган бундай кенг имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланаётган корхоналар сони Яккасарой туманида ҳам кўплаб топилади. Хусусан, тумандаги замонавий мебел жиҳозлари ишлаб чиқараётган «Гранд мебел», автомашиналарга техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган «Ташмосбетон» МЧЖ ва «АСКТ» масъулияти чекланган жамиятига хорижда ишлаб чиқарилган сўнгги турдаги замонавий, ихчам технология ва ускуналар ўрнатилиб, муваффақиятли қўлланмоқда. Фармонда белгиланган имтиёз туфайли бир қисм маблағ корхонанинг ихтиёрида қолдирилди. Бундан тежаладиган маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг моддий-техник базасини кучайтиришга, товар моддий бойликлари заҳирасини кўпайтиришга ҳамда ишчи-ходимларнинг иш ҳақларини оширишга сарфланиши кўзда тутилади. Берилган имтиёзнинг афзаллиги шундаки, у кўплаб субъектларга катта имкониятлар эшигини очиб беради.

Илҳом АШУРМАТОВ,
Яккасарой тумани ДСИ шўъба бошлиғи

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ВАТАН РАВНАҚИ ОМИЛИ

ЯҚИНДАГИНА НИҲОЯСИГА ЕТГАН «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»ДА МУҚАДДАС ДАРГОҲ БЎЛГАН ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҲАР ЖИҲАТДАН ИМКОН ЯРАТИЛДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАС. ШУ САБАБЛИ БУГУНГИ КУНДА ЎЗАРО ЁРДАМ ҲАМДА БИР-БИРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЎЗГАНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ КАБИ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ОИЛАЛАРИМИЗГА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДАКИ, БУ ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР НАМУНАСИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятида энг аввало инсон манфаатлари чуқур ва атрофлича ҳимоя қилинади. Қолаверса, эртанги кун бунёдкорлари бўлган оналар ва болаларга ҳар томонлама эътибор қаратилади. Чунки, оналар ва болалар кайфияти орқали жамият маънавий-ижтимоий қиёфасини, давлат қудратини, мамлакат шаънини англамоқ мумкин. Шу боис ҳам Асосий Қонунимизда оила манфаатлари ўз ифодасини топган. Бу эса ўз навбатида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...» деган қоида асосида мустаҳкамланган.

Дарвоқе, оила манфаатларини ҳар томонлама тўла-тўкис ҳимоя қилиш даражасига шубҳасизки, фаровон турмушни бунёд этиб эришиш мумкин. Ҳар бир юксалишнинг замирида эса фаровонлик тушунчаси ётади. Яъни, бирор бир давлат чинакам маънода ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, маънавий ва сиёсий жиҳатдан бақувват бўлиши учун аввало мазкур давлат фуқароларининг турмуш даражаси кўтарилиб, тўкис ва фаровон яшашлари таъмин этилган бўлиши керак. Инсоннинг тўла маънода хотиржам яшаши учун эса фаровонлик энг муҳим омил ҳисобланади. Мухтасар қилиб айтганда, халқ ва давлатнинг бойлиги унинг халқаро миқёсдаги мавқеини ҳам шак-шубҳасиз белгилаб беради.

Оилаларнинг фаровонлиги хусусида сўз борар экан, кейинги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш учун ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида бу масалаларга катта эътибор билан ёндошилган.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида, 2007 йил 18 майда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 августдаги Аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис баёнига асосан Республика аҳолисига, ёш оилаларга кўп хонадонли турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш учун Тошкент шаҳрида ҳам ишчи гуруҳи тузилди. Ҳукуматимизнинг ушбу сиёсати аввало минглаб оилаларнинг моддий эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда уларга юксак маънавий қувват ҳам бўлди.

Бугун амалда қўлланилаётган сиёсатимиз замирида, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламини, жумладан серфарзанд оилаларнинг фарзандларини иш билан таъминлаш ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш каби эзгу ишлар ётади. Муҳими, оила манфаатлари, унинг ижтимоий ҳимояси Конституцион қонунлар доирасида ҳимоя этилаётир. Оилалар фаровонлиги эса ана шу ижтимоий ҳимоянинг манбаидир.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА,
Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

ҲАМ ҚУДРАТЛИ, ҲАМ ҚУЛАЙ

ЎЗБЕКИСТОНГА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ КОЛОМНА ТЕПЛОВОЗСОЗЛИК ЗОВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТЕПЛОВОЗЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУРКУМИ КЕЛТИРИЛДИ.

Темирйўл транспортида мамлакат халқ хўжалигининг юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари янги йўллар барпо этиш, мавжуд йўлларни реконструкция қилиш, ҳаракат таркибини модернизациялаш билан бирга йўловчи ташиш хўжалигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясида Россиядан харид қилинган ТЭП70БС русумли локомотивнинг тақдимоти ўтказилди. Бу қудратли техника Коломно тепловозсозлик заводида ишлаб чиқилган бўлиб, йўловчи поездларини тортишга мўлжалланган. У ҳозиргача бундай поездларни тортишда ишлатиб келинаётган 2ТЭ10М русумли юк тортишга мослашган тепловозлардан фарқли ўлароқ, икки ёки уч секциядан эмас икки кабинали битта секциядан иборат. Машинистлар кабинаси "КЛУБ" хавфсизлик тизимини ўз ичига олган электрон бошқарув мосламаси билан жиҳозланган. Ҳавонинг доимий мўътадиллигини таъминлаш учун унга совутиш ва иситиш мосламалари ўрнатилган. Двигателнинг товуши эшитилмайди. Атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатмайди.

Янги локомотив тўрт минг от кучига эга бўлиб бу олдинги локомотивлардан бир минг от кучига қувватлироқ демакдир. У 2ТЭ10М русумли тепловозлардан фарқли равишда соатига 100 километр эмас, соатига 160 километр тезликка эриша олади.

— "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг бир гуруҳ мутахассислари Коломна тепловозсозлик заводида янги локомотивни бошқариш ва ишлатиш бўйича ўз малакаларини оширди, — деди "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясининг бош менеджери Акбар Шукуров. — Шу билан бирга улар синов тадбирларида иштирок этиб муайян кўникма ҳосил қилдилар. Мазкур тепловозлар Тошкентдан Бухоро ва Қаршига қатновчи йўловчи поездларига хизмат кўрсатади.

Янги тезюрар экспресс-поездлар қатнови жорий этилган ҳозирги шароитда бу ниҳоятда афзалдир. Энг муҳими, локомотив поездларнинг йўлда юриш вақтини қисқартириб, сарф-харажатларни, ёнилғи мойлаш материалларини тежаш имконини беради.

"Туркистон-пресс"

Тадбирлар

ТААССУРОТГА БОЙ ЎТДИ

БУГУН ШАҲРИМИЗДАГИ ҚАЙСИ БИР МАҲАЛЛАДА БЎЛМАНГ ИШЧАНЛИК, ФАОЛЛИК, АҲОЛИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИНИ КЎРАМИЗ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ, МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ДАМ ОЛИШЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТАДБИРЛАР ҲАМ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Хусусан яқинда Юнус Ражабий номидаги маҳаллада фаоллар ташаббуси билан Юнус Ражабий уй-музейида уюштирилган хайрли тадбир ҳам фикримиз далилидир.

— Аёлларимиз, ёш оналар ва ўсмир ёшларимиз билан мана шундай мавзудаги бир қатор учрашувларни ташкил этиб уларнинг яхши дам олишлари, ўқиб-ўрганишлари, элимиз ардоғидаги инсонлар ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишишларига имкон яратишга интилиб келамиз, — дейди биз билан суҳбатда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Санобар опа Ҳожимуротова. — Маҳалламиз Юнус Ражабийдек улуғ инсон номига қўйилган. Биз ҳар бир маҳалладошимизнинг санъатимиз фидойиси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун қизиқарли учрашув, давра суҳбатлари, уларнинг оила аъзолари билан тадбирлар ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бугунги тадбиримиз ҳам Юнус Ражабийнинг уй-музейида унинг оила аъзолари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар Ҳасан Ражабий ва набиралари Азиз Ражабий билан қизиқарли учрашув тарзида ўтяпти.

Юнус Ражабий маҳалласидаги элликка яқин аёллар таклиф этилган ушбу учрашув жуда қизиқарли ва таассуротга бой тарзда ўтди. Тадбир иштирокчилари ўзбек мумтоз мусиқасининг билимдони ва жонкуяр тарғиботчиси Юнус Ражабий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиб, Ҳасан Ражабий ва Азиз Ражабийлар ижросида янграган мумтоз ва дилрабо куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Ю.Ражабий уй-музейида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Иқтисодиёт

БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҲАР БИР МАҲСУЛОТ СИФАТИНИНГ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНИШИ УНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБГИНА ҚОЛМАЙ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ҲАМ ОШИРАДИ.

Албатта, маҳсулот рақобатбардош ва сифатли бўлса, буюртмачилари сафи ҳам ортаверади. «Тошкент лок-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятида ҳам тайёрланаётган турли хил лок-бўёқлар сифатининг ортиши, замонавийлигининг таъминланиши фақатгина ички бозордагина эмас, балки хориж бозорида ҳам уларнинг харидоргирлигини оширмоқда. Шу боис ҳам «ИСО-9001» сертификатига эга бўлган корхона маҳсулотлари Ҳамдўстлик давлатлари ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Маҳсулот турларининг ортишида, сифатининг юксалишида корхона қошида ташкил этилган махсус лабораторияда изланишлар олиб бораётган тажрибали мутахассисларнинг ҳиссалари каттадир. Улар буюртмачиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб лок-бўёқларнинг янги турларини яратишга эътибор қаратишади.

Мамлакатимизда йил сайин бунёдкорлик ишлари авж олаётган бугунги кунда тадбиркорлар ўзлари ҳамкорлик қилаётган қурилиш ташкилотлари ва фирмаларига буюртмаларни вақтида етказиб беришга интилишади. Маҳсулотларнинг қадоқланишига ҳам эътибор қаратилиб, лок-бўёқлар 1 килограммдан тортиб 50 килограммгача бўлган идишларда чиқарилмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалаган корхона жамоаси Россия, Хитой, Украина ва бошқа давлатлардаги ҳамкорлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ниятида.

СОПОЛ-ГРАНИТ ПАНЕЛЛАР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН КЎРКАМ БИНОЛАР, МАҲОБАТЛИ ИНШООТЛАРНИНГ ЧИРОЙИНИ ТАЪМИНЛАШДА, КЎРКИГА КЎРК ҚЎШИШДА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА. ЭНГ АСОСИЙСИ ЭСА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ АНА ШУНДАЙ БУНЁДКОРЛИК АШЁЛАРИНИНГ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИДИР.

Бу, албатта бунёдкорларимиз учун қулайлик бўлиб, биноларнинг тез ва соз қад ростлашида, пудрат ишларининг вақтида амалга оширилишида катта ҳисса бўлади.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «ALUBOND POISON BUILDING TECHNOLOGY» корхонасида ҳам юксак унумли хорижий технологик линиялар асосида турли ранг ва ҳажмдаги безак панеллари тайёрланмоқда. Улардан буюртма асосида биноларни ички ва ташқи пардозлаш (қоплашда) самарали фойдаланилаётгани, маҳсулотларга талабнинг ортиб бораётганлиги тадбиркорларнинг муваффақиятидан яққол далолатдир.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритилиб, ҳозирда 78 фоиз ўзимизнинг хом ашёдан фойдаланишяпти. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп ҳисобланган бунёдкорлик ашёларига хорижлик талабгорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Безак панелларининг Эрон, Афғонистон, Қозоғистон, Озарбойжон, Россия, Украина, Грузия давлатларига экспорт қилинаётганлиги фикримиз далилидир.

Албатта, бугунги бозор талаблари асосида ишлаш тадбиркорлар учун муваффақият гарови бўлмоқда. Чунки изланишлар самараси янги турдаги маҳсулотларда кўринмоқда, хориждан янги линиялар келтириб ўрнатилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажми ормоқда, қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, немис технологиялари асосида яратилаётган ушбу безак ашёлари йиллаб ўз сифатини йўқотмайди, кўркини сақлаб туради. Корхонада яна бир янги маҳсулот — сопол-гранит панеллари ҳам ишлаб чиқарилади. Бунда маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

ПРОФЕССИОНАЛ МЕНЕЖМЕНТ КУРСЛАРИ

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИ ПРОФЕССИОНАЛ МЕНЕЖМЕНТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БИЗНЕС ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Беш ойга мўлжалланган ўқув курсларида маҳаллий ва япониялик экспертлар тингловчиларга ташкилотда бизнесни тўғри ташкил этиш йўллари ҳамда Японияннинг халқаро менежмент тажрибалари бўйича таълим беришади. Дарслар лекция ва амалий машғулотлар уйғунлигида профессионал менежмент дастури доирасида олиб борилади. Тингловчилар олий маълумотли, компьютерда бемалол ишлай оладиган, ўзининг шахсий бизнесини ташкил этиш ва бошқарувга қизиқадиган бўлиши лозим. Ўқув курси якунида тингловчи имтиҳон топшириши ва бизнес режасини ёқлаши шарт. Битирувчиларга марказнинг сертификатлари берилади.

Инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази Японияннинг халқаро ҳамкорлик агентлиги(JICA) ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги муассислигида ташкил этилган.

"Туркистон-пресс"

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№1 (184) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ҚОНУНЛАРИМИЗДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ИНСОН ФАОЛИЯТИ ЖАБҲАЛАРИНИНГ БАРЧА ҚИРРАЛАРИНИ УМУМЛАШГАН ТАРЗДА ҚАМРАБ ОЛГАН. УНДА СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИҚТИСОДИЙ, АЛБАТТА, ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАР БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА АКС ЭТТИРИЛГАН. ЯЪНИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 128 ТА МОДДАСИДАН ТЎРТТАСИ, ЯЪНИ, 50, 54, 55, 100-МОДДАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАР БЕВОСИТА ТАРЗДА АКС ЭТТИРИЛГАН БЎЛСА, ҚОЛГАН 124 ТА МОДДАСИДА У БИЛВОСИТА ТАРЗДА БЕРИЛГАНДИР.

Қомусимизнинг асосий ютуғи шундаки, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари жамоат ва давлат ҳуқуқларидан юқори, яъни устувор аҳамият касб этганлигидадир. XI боб «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланган. Унинг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дея бевосита кўрсатиб ўтилган. Яъни Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс, у фуқаро бўладими ёки фуқаролиги бўлмайдими ёхуд чет эл фуқаросими, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланар экан, у ўзга шахс, жамоат ва давлатнинг экологик хавфсиз табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим.

Асосий Қонуннинг 54-моддасига кўра, жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулкдорнинг ўз хоҳишича мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги керак.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деган қоида мустаҳкамланган.

100-моддага биноан эса илк бор шаҳар, туман, вилоят маҳаллий ҳокимиятларига ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати топширилган. Уларда яшовчи аҳолининг экологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий, экологик тадбирларни уйғунлаштириш ҳамда келажак истиқболларни белгилаш мақсадида табиий объектларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тегишли ҳудудлар бўйича ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эгаллаш, ижаралаш ва мулк сифатида бериш ҳуқуқини яратди, назорат жавобгарлик механизмини такомиллаштиришга имкон беради.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: «Умумий қоидалар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ҳолатлари: Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш, табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш; экология экспертизаси; экологик назорат; табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари; фавқулодда экология вазиятлари; хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари; табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш».

Конституциямизнинг XXI бобидан келиб чиққан ҳолда 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 1-моддасига биноан, маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, жумладан, экологик бошқарувни амалга оширадилар. Маҳаллий ҳокимияти таркибига вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари киритилади. Улар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлган табиий объектларнинг давлат номидан ўз ваколати доирасида тасарруф этилишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиатни муҳофаза қилишни жойларда амалга оширишларида уларнинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат инспекторлари билан ҳамкорликда ишлашлари жуда катта аҳамият касб этади. Ички ишлар, назорат инспекторлари ва адлия органлари маҳаллий ҳокимиятларга тўғридан-тўғри бўйсунадилар. Шунинг учун ҳам экологик назорат бўлинмаларининг жойлардаги фаолиятлари бевосита ҳокимият мутасаддиларининг экологик дунёқараш-лари ва уларнинг мазкур масала бўйича амалий ҳаракатларига боғлиқдир.

Ҳар бир шахс ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу билан агарда инсон, атроф табиий яшаш муҳитида кескин экологик ўзгаришларни пайқаб қолса, давлатнинг умумий, махсус ва функционал экологик бошқарув органларига, нодавлат ташкилотларига, жамоат уюшмалари ёки ўзини ўзи бошқарув идораларига ариза билан чиқиши, экологик тарздаги чора-тадбирларни таклиф қилиши ёки шикоят билан ариза бериш ҳуқуқига эга. Улар эса аризаларни қонунларда белгиланган тартибда ва аниқ бир муддатда кўриб чиқишлари шарт. IX боб— Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга тегишли бўлган 38-моддада «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар» дейилган, кичик ёки хусусий тадбиркорлик субъектларида ёлланма ишчига иш берувчи томонидан экологик хавфсиз муҳитда дам олиш ҳуқуқи таъминлаб берилиши лозимлиги кўрсатилади. Унинг 7 ёки 8 соатлик иш вақтидан сўнг дам олиши шовқинли, ҳавоси заҳарланган завод, фабрика, қурилиш майдонида эмас, балки бехатар атроф табиий муҳит қўйнида ўтиши лозим. Акс ҳолда у эртанги иш кунини самарали ўтказа олмайди.

Қисқача қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги экологик вазият ва унинг келгуси ўзгариши бўйича мутасадди ташкилотлардан мавжуд маълумотларни олиш, ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳақлидир. Ҳар бир кишининг ўз хоҳиши бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бирор корхона ёки бошқа объектлар фаолияти натижасида инсонлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилаётган бўлса шикоят орқали табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ҳокимият қарори билан уларнинг фаолияти чекланиши ёки ўзгартирилишига эришиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик зарарли корхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Заҳарли чиқиндиларни ташлаш натижасида экинларни, табиий объектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда товон пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, янги, камчиқитли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун рағбатлантириш кўзда тутилган.

Файзилла ФАТХУЛЛАЕВ,
1-тоифали мутахассис

ҲАМКОРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

МАНА, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ЯКУНЛАНИБ, ЯНГИ—ЁШЛАР ЙИЛИ ҲАМ БОШЛАНДИ. КЎПГИНА ТИЗИМЛАР ҚАТОРИ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ УЧУН ҲАМ ЎТГАН ЙИЛ САМАРАЛИ ЎТДИ.

Биз Ёшлар йили ҳар бир оилага муваффақият ва фаровонлик келтириши, шаҳримизнинг гуллари ҳамда яшил бойликлари янада кўпайиб боришини тилаган ҳолда ушбу қутлуғ кунларда ўтган йили биз билан ҳамкорликда самарали фаолиятни амалга оширгани учун Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар Ободонлаштириш ҳамда Архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, «Оқшом» газеталари таҳририяти, «Солиқ ва божхона хабарлари», «Молодежь Узбекистана» газеталари, «Тошкент», «Пойтахт», «Ёшлар» телерадиоканаллари, Халқ таълими вазирлиги қошидаги «БИОЭКОСАН» ёшлар илмий-услубий маркази, шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказига миннатдорчилик билдирамиз.

Бундан ташқари, экологик билимларни тарғиб қилишга йўналтирилган ахборот тадбирларида фаол иштирок этган қуйидаги ташкилотлар: «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими, Тошкент метрополитени, «Тошкент универмаги» АЖ, «MIR STORE» супермаркети, «Бешёғоч универсал бозори», «Олой универсал бозори», «Юнусобод универсал бозори» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Чорсу савдо маркази» АЖ, «MERAM» супермаркетига ташаккур изҳор этамиз.

Бундай самарали ҳамкорликлар келажакда ҳам давом этаверсин, деган ниятдамиз.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

Мулоҳаза

СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАСЛИК ЙЎЛЛАРИ

ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА ГАПИРИЛГАНДА АЛБАТТА ГАП БИРИНЧИ ГАЛДА СУВДАН БОШЛАНАДИ. «СУВ ОЛДИНГИ ДАВРЛАРДА ТОЗА БЎЛАРДИ», «АРИҚЛАРДА ТЎЛИБ СУВ ОҚАРДИ» ДЕГАН ГАПЛАРНИ КЎП ЭШИТАМИЗ. САВОЛНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАСАК ТЎҒРИРОҚ БЎЛАР ЭДИ.

Ёшларга юз маротаба сувни исроф қилмагин, дегандан кўра бир маротаба сувни қандай сарф қилишни кўрсатиб бериш керак. Сувни сарфлаш йўлини кўрсатиб бериш учун уни қандай сарфлаш кераклигини катталарнинг ўзи билиши керак.

Қуйида ана шу хусусда баҳоли-қудрат фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Сув таркибининг истеъмол қилувчининг саломатлигига таъсири аҳамиятлилигини ҳамма билади. Сув тозалигининг инсон учун аҳамияти жуда катта. Сув юзасидан жуда кўп илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳаттоки, сувнинг ахборот сақлаш қобилияти бор деган хулосага келинмоқда. Яхши гап билан ёмон гапнинг фарқига бориши исботланди. Ота-боболаримиз сувни (ҳар қандай ичимликни) шошмасдан бир назар ташлаб секин-асталик билан бўлиб-бўлиб ичишган.

Инсон тозаликка эътибор берадиган бўлса албатта устибоши ва ётар жойи озода бўлмоқлиги керак. Кирларни ювиш учун ҳаддан ошмаслик керак ва сув сарфига эътибор бермоқлик зарур. Шундагина сув исрофига йўл қўймаган бўламиз. Кир ювишнинг янги, кам сув сарф қилинадиган замонавий усулларини жорий қилмоғимиз керак. «Техник сув» деган тушунча ҳаётимизга кириб келадиган вақт етиб келди. «Ичимлик сув»и ва «техник сув»нинг фарқига боришимиз лозим бўлади.

Идиш-товоқларни тоза ҳолда тутишимиз халқимизнинг асрий удумларидан ҳисобланади. Уй бекаларининг ошхонага эътибори аввалам-бор оиланинг тотувлигига, рўзғорга барака киришига, оила аъзоларининг саломатлигига ва бошқа кўпгина ижобий натижаларга олиб келади.

Идиш-товоқларни тоза тутиш керак экан деб чексиз кўп миқдорда сув сарфлаш ярамайди. Идиш-товоқларни ювганда қуйидагиларга амал қилмоқ керак: идиш-товоқларни камроқ ишлатишга ҳаракат қилиш керак; овқат қолдиқларини, айниқса ёғ қолдиқларини сидириб олиш керак; идиш-товоқларни ифлосланиш даражасига кўра ажратиш керак; бир хил идишларни артиб қўйишнинг ўзи кифоя қилади; бир хилларини чайиб қўйиш етарли бўлади; ёғ юқи идиш-товоқларни иссиқ сув билан ювиш керак; идиш-товоқларни жойига тахлаб қўйиш лозим.

Юқоридаги тавсияларимизга амал қилинса сув сарфи бирмунча камаяди. Ошхонадаги пала-партишлик албатта салбий оқибатларга олиб келади.

Уй бекаларимизнинг экологик маданиятини узлуксиз ошириб бормоғимиз ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Юртимизда ҳовлига сув сепиш билан оила аъзолари ва меҳмонлар учун кун иссиқ вақтларда ёқимли шароит яратишга ўрганилган. Чунки сув ариқларимизда шарқираб оқиб турган. Ундан ҳовлига сув сепишда ва экинларни суғоришда фойдаланилган. Ариқларда сувнинг оқиши ва ҳовлига сепилган сув экологик шароитни яхшилашга омил бўлган. Инсонларнинг саломатлигини яхшилаб, кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлган.

Ҳозирда ариқлар қўмилиб кетди, ариқдаги сувлар ер ости қувурларига тушириб юборилди. Аслида ҳовлига сув сепишда иложи бўлса (узоқроқда бўлса ҳам) сув ҳавзаларидаги сувлардан фойдаланиш лозим. Сувни шомга яқин, кун қайтгандан сўнг сепиш керак. Керакли жойларгагина сув сепиш билан чекланиш лозим. Ичимлик суви исрофгарчилигига қарши курашиш ҳамманинг вазифаси бўлмоғи керак.

Хулоса сифатида ҳақиқий ўзбек менталитети билан тарбияланган инсонда аксарият экологик маданият шаклланган дея оламиз. Бу гапимизга ҳар қандай инсофли одам эътироз билдирмаса керак. Ўзингиз айтинг, қайси ўзбек ариқда оқаётган сувга қараб супуради ёки ахлат ташлайди? Қайси ўзбек уйини ва ҳовлисини ифлос ҳолда қолдиради?

Халқимиз урф-одатларида сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга жуда катта аҳамият берилади. Тозалик масаласида меҳмонхонадан тортиб ҳожатхонагача бир хил назар билан қаралади.

Ушбу мақола танланган долзарб масала ечимини қидириш йўлидаги биринчи уриниш бўлиб, ҳамма жабҳаларни қамраб олмаслиги табиий ҳолдир.

Нодирхон САЛИМОВ,
техника фанлари номзоди, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология институтининг катта илмий ходими

ДОВ-ДАРАХТЛАРНИ АСРАЙЛИК

ЎСИМЛИКЛАР ЕР ЮЗИДАГИ ҲАЁТНИНГ АСОСИ ҲИСОБЛАНАДИ. САЙЁРАМИЗДА 500 МИНГДАН ОРТИҚ ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОН ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ЖУДА КАТТАДИР.

Ўсимликлар биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатида асосий роль ўйнайди. Ўсимликлар фотосинтез жараёни натижасида ҳаводан карбонат ангидрид газини ютиб кислород чиқаради ва органик маҳсулот яратади. Маълум бўлишича, бир гектар ерга экилган дарахтлар 200 киши нафас олганда чиқарадиган CO2 газини йўқотиб, фойдали кислород газини ажратиб чиқаради.

Яшил ўсимликлар ҳавони тозалаб, зарарли чанг зарраларини ўзида ушлаб қолиш хусусиятига эгадир. Бу борада дарахтларнинг ҳиссаси жуда катта ҳисобланади. Бундан ташқари дарахтлар шаҳарларда, хусусан пойтахтимизнинг кўчалари, боғлари, оромгоҳларига чирой бериш билан бир қаторда кишига эстетик завқ бағишлайди. Лекин шу қаторда дарахт ёғочидан инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган 20 мингга яқин турли маҳсулотлар олинади, бу эса ўз навбатида дарахтларнинг кесилишига сабаб бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Дарахтларнинг кесилишини камайтириш ва тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 декабрдаги «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, ўрмон фондига кирмайдиган жойлардаги дарахтларни ва буталарни кесишга табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси орқали рухсат берилади. Бунинг учун даставвал шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига хат билан мурожаат қилиниши керак. Тегишли хулоса олингандан сўнг масала ҳал бўлади. Дарахтларни кесиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарорида белгиланган бўлиб, махсус рухсатнома расмийлаштирилиб, тегишли тўловларни бажаргандан кейин қўмита розилик беради. Акс ҳолда дарахтларнинг рухсатсиз кесилишини амалга оширганлар маъмурий жавобгарликка тортилади ва ҳатто етказилган зарар миқдори энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан ошса Жиноий Кодекснинг 198-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортилади.

Оммавий ахборот воситалари орқали экологларимизнинг тушунтириш, ташвиқот ишларига қарамай, ўсимлик дунёсига бўлган ёмон муносабатлар ҳали ҳам учраб турибди, бу аҳоли томонидан қўмитамизга ўринли шикоятларнинг келиб тушишига сабаб бўлмоқда. Одамлар дарахтларнинг бесабаб кесилишига ачинишади, қўмитага қўнғироқ қилишади, ўзлари келишади ёки хат ёзиб мурожаат қилишади. Шу асосда қўмитанинг давлат нозирлари томонидан ушбу ҳолат жойига чиқиб ўрганилади ва тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Бунга мисол қилиб айтиш мумкинки, Миробод тумани, Иноқобод 4-тор кўчасида дарахтларнинг рухсатсиз кесилиши аниқланди ва етказилган зарар миқдори энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан ошганлиги сабабли жиноий ишни қўзғатиш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига керакли ҳужжатлар юборилди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, шаҳримизнинг чиройига чирой қўшиб турган дарахтларнинг нобуд бўлишига йўл қўймайлик.

Баҳром ЭШҚУВВАТОВ,
давлат нозири.
Беҳзод ХАТАМОВ,
1-тоифали мутахассис

«Камолот»

МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ.

Янги — Ёшлар йилининг илк ойида пойтахтда яшайдиган ногирон, юролмайдиган, тақдир тақозоси билан бирон нуқсон билан туғилиб меҳр-муҳаббатга муҳтож бўлиб яшаётган болажонлар кўнглини кўтариш мақсадида камолотчилар уларнинг уйларига ташриф буюрдилар.

«Меҳр — 16 йил ичида» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда аввало Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Исломжон ҳамда Камола Зокировалар ҳолидан хабар олинди. Етакчилар кенгаши аъзолари уларни Ёшлар йили билан муборакбод этиб, шеър ва қўшиқлар, чиройли суҳбат қуриб болажонларга яхши кайфият улашдилар, байрам совғаларини топшириб, уларнинг кўнглини кўтардилар. Шундан сўнг Учтепа туманидаги «Шафтолизор» маҳалласида бўлишиб, маҳалла оқсоқоли Қодирбек Йўлдошбеков бошчилигида беш-олтита ногирон фарзандлари бор хонадонларда бўлишиб, ширин сўз, совға-салом билан уларга меҳр-оқибат кўрсатиб кўнгилларида илиқлик уйғотдилар.

— Бу ишимиздан маҳалладаги нуроний отахонлар ҳам жуда хурсанд бўлишди, — дейди тадбир иштирокчиси Соҳибжон Ибрагимов. — Ўқиш ва ишларимизда омадлар тилаб, келажакда яхши инсон бўлиб вояга етишимизни тилаб дуолар қилишди. Албатта бундай руҳлантириш бизни янада яхшироқ ишлашга, имкон қадар ёрдамга муҳтож ҳар бир инсонга кўмак беришга чақиради.

Пойтахтдаги ўн битта туманда фаоллик билан ўтказилган тадбирда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими етакчилар кенгаши аъзолари Хуршид Миржамолов, Нодира Муротова, Баҳром Файзихўжаев, Ферузбек Самадов, Отабек Муродов ва Соҳибхон Ибрагимовлар кўнгли ўксик болажонларга қизиқарли томоша, ўйин-кулгу, Янги йил совғаларини улашиб улар кўнглига ёруғлик олиб кирдилар, инсон эртаси учун ишонч билан ҳаракат қилишига умид уйғотдилар.

Савоб ишдан миннатдор нигоҳлар уларни янада эзгулик сари йўлласа ажаб эмас.

(Ўз мухбиримиз)

Санъат

МУЗЕЙ БАРПО ЭТИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎҒИРЧОҚСОЗЛИК САНОАТИ ҲАМ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ЯРАТИЛАЁТГАН МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚЛАР КИЧКИНТОЙЛАР ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

«Зумрад ва Қиммат», «Олтин балиқ», «Хўжа Насриддин», «Ур тўқмоқ», «Тилла тарвуз» каби эртак қаҳрамонлари қўғирчоқлар тимсолида ижод қилингани ҳам бу кўҳна санъатнинг оммалашиб бораётганидан далолат бериб турибди. Тошкентда ташкил этилган мактабгача таълим соҳасида фойдаланишга мўлжалланган қўғирчоқлар кўргазмасида бу каби экспонатлардан талайгинаси намойиш қилинди. «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурида мавжуд бўлган эртак қаҳрамонларига бағишланган қўғирчоқлар кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Ушбу экспозиция асосида қўғирчоқлар музейини барпо этиш кўзда тутилди.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

ТОШКЕНТ МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 35 ЙИЛ БЎЛДИ. ЎЗИНИНГ ШУ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ТЕАТР КЎПЛАБ ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛЛАРНИ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТДИ.

Бу ерда саҳна юзини кўрган ўзбек оперетта асарлари ҳам жамоа репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Таниқли композитор Энмарк Солиҳовнинг «Оқпари» асари постановка қилинганига 30 йилдан ошди.

Театр ўзининг навбатдаги 35-ижодий мавсумини мазкур ижодкорнинг Хўжа Насриддинга бағишланган «Қария ошиқ» деб номланган опереттаси билан бошлади.

Мавсум давомида болалар учун ёзилган спектакллар ҳам намойиш қилинади.

Ўзбек композиторларидан Алишер Икромов, Анвар Эргашев каби таниқли ижодкорлар театр буюртмаси билан янги постановкалар устида иш олиб бормоқдалар.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ДОИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ ТОМОНИДАН САҲНАЛАШТИРИЛАЁТГАН СПЕКТАКЛЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ БИЛАН ТОМОШАБИНЛАРДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА. ЭНГ ЯХШИ ПОСТАНОВКАЛАР ЭСА ГАСТРОЛ ДАСТУРЛАРИДАН ЎРИН ОЛМОҚДА.

Алишер Навоийнинг «Қуш тили» асари асосида саҳналаштирилган спектакль эса халқаро фестивалда яхши баҳо олди.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида уюштирилган бу ижодий кўрикка тақдим қилинган мазкур постановканинг юзага келишида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Россзарубежцентр» жамоаси саъй-ҳаракат кўрсатди.

Акбар АЛИЕВ

Ўз-ўз ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Агар сўзласанг бетиним, зўр бериб,
Қолурсан биров сўзидан бенасиб.

Дуруст-нодуруст сўзга сабр айлаган –
Эрур яхши ҳозиржавоб лақмадан.

Сўз инсон камолотидир, яхши бил,
Билиб сўзлагил, хурматинг тўкмагил.

Яқин бўлма сергап кишилар билан,
Ақл ишлатиб, озу соз сўзла сан.

* * *

Юз ўқ отдинг-у, ҳаммаси ҳам хато,
Бир ўқ бирла ур – бўлса ақлинг расо.

Киши йўқда ҳам демас ул сўзни мард,
Агар фош бўлганда келтирса дард.

Биров ғийбатин қилмагил зинҳор,
Девордан нари ҳам эшитгувчи бор.

Дилинг – шаҳру, сир – банди бу шаҳраро,
Шаҳарни очиқ кўрмасин мутлақо.

Тилидан ёнар шам мажлис аро,
Шунинг-чун тилин йиғди ақли расо.

* * *

Ўзин ҳурматин сақлар одам ўзи.

* * *

Мабодо сиринг бўлса фош эл аро,
Ўпиш қайта мумкин эмас мутлақо.

* * *

Алангаки, бошдан-оёқ тил эрур,
Бир оз сув билан ўчирилса бўлур.

* * *

Ҳунарманд киши мен ҳунарманд демас,
Уни таъриф айлар ҳунар ҳар нафас.

* * *

Агар сенда мушк йўқ, жим ўлтир, ахир,
Агар бўлса, ҳиднинг ўзи айтадир.

* * *

Ўзини тутар яхши доно киши,
Бировнинг иши бирла бўлмас иши.

Ҳикоят

«Ҳазилми?» – дедим, кимса сўзлар эди,
Ўғирликни ғийбатдан аъло, деди.

Дедим унга: «Эй фикри хом, беақл,
Ишонмайди бу қиссага ақлу дил.

Ўғирликда не фазл кўрган эдинг,
Ўғирликни ғийбатдан афзал дединг?»

Деди: «Чунки ўғри жасорат қилур,
У мардлик кучи-ла қорин тўйғазур.

Не орттирди ғийбатчи ғийбат қилиб?
Фақат қолди ўзи хижолат бўлиб».

Вазифа ер эрдим Низомиядан,
Ўтарди куним дарсу такрор билан.

Мударрисга бир кун аёни дедим:
«Ҳасад қилди менга фалони, – дедим. –

Қачонким, сўзим маъни додин берур,
Негадир, унинг қорни тарс ёрилур».

Мударрис сўзимни эшитган эди,
Келиб аччиғи, анча афсус еди.

Дедиким: «Сенингча ҳасад-ку хунук,
Дегил, сенга ким айтди – ғийбат тузук?»

Кишиларни ҳар кимки, деркан ёмон,
Сени ҳам у яхши демас ҳеч қачон.

Ёмонлайди ҳар жойда орқангдан у,
Бировларни ҳам у ёмонларди-ку!

* * *

Демишларки, уч шахсга ғийбат раво,
Ошиб кетса тўртинчисига – хато.

Бири подшоҳу жафокор эрур,
Эл ундан ҳамма вақт безор эрур.

Унинг зулмин айтмоқ ҳалол дам-бадам,
Билиб, эҳтиёт бўлгуси халқ ҳам.

Иккинчи ҳаёсиз – яширма уни,
Ўзин пардасин йиртади ҳар куни.

Ҳовузга тушишдан уни тўсмагил,
Кудуққа йиқилгай, ахир, яхши бил.

Учинчи – тарозуда алдоқчилар,
Ёмон феълидан қанча билсанг – гапир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Маматқулова Феруза номига Учтепа тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри томонидан 2007 йил 10 сентябрь куни берилган № 4275 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги М.Улуғбек академик лицейининг директори Нодира Нигматиллаевна Умарованинг падари бузруквори

НИҒМАТИЛЛА отанинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАР САРИ

БУГУНГИ КУНДА СПОРТЧИЛАРНИНГ ЖАҲОН МАЙДОНЛАРИДА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИГА АЙЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУФУЗИ ВА САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАНИ ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР. УШБУ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШДА РАҲНАМОЛИК ҚИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ҚИСҚА ФУРСАТ ИЧИДА ДУНЁ САҲНАСИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛДИ.

Мамлакат миқёсида Олимпия ҳаракатини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида жисмоний ва маънавий тарбияни кучайтириш, давлат ва жамоатчилик асосида жисмоний тарбия муассасаларига кўмаклашиш, ёшларда ҳаққоний мусобақалашиш туйғуларини сингдириш, спорт захиралари билан таъминлаш ҳамда спортни ривожлантириш каби эзгу вазифалар Миллий Олимпия қўмитасининг ички фаолияти ҳисобланса, халқаро ареналарда Ўзбекистоннинг мавқеи, нуфузи ва салоҳиятини мустаҳкамлаш, Олимпия, Осиё ва бутун дунё ёшлар ўйинларида мамлакат делегацияси иштирокини таъминлаш, халқаро Олимпия ташкилотларининг миллий Олимпия қўмиталари билан ҳар томонлама ҳамкорлигини таъминлаш унинг ташқи функциясини ташкил этади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси 1992 йил 21 январда ташкил этилган. Халқаро Олимпия қўмитасининг 1993 йилдаги 101 сессиясида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси тўлақонли аъзо сифатида тан олинди.

— Қўмита тарихан қисқа давр мобайнида жуда катта ютуқларни қўлга киритди, — дейди Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти маслаҳатчиси Роман Иухов. — 1992 йил Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар иккита иккинчи ва учта биринчи ўринни қўлга киритишди. Кейинги Олимпиада ўйинларида ҳам Ўзбекистон байроғи жаҳон саҳнаси узра мағрур ҳилпиради.

Олимпиадачиларнинг спорт ареналаридаги бу каби ютуқлари дунё ҳамжамиятига икки ҳақиқатни бера олди. Аввало, Ўзбекистон дунёга машҳур олимлар, шоиру ёзувчиларни етказиш баробарида кенг имкониятга эга бўлган спортчиларни ҳам тарбиялайди. Иккинчидан, бу зафарлар Ўзбекистонни дунё мамлакатлари ичида улкан имкониятга эга бўлган мустақил давлат сифатида танитди.

Миллий Олимпия қўмитаси Осиё Олимпия кенгаши билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. 1997 йил ООК президенти Шайх Аҳмад ал-Сабоқ юртимизга ташриф буюриб, Олимпия ҳаракатини ривожлантириш ва ёш авлодни спорт билан шуғулланишига кўрсатилаётган юксак эътибор учун Президент Ислом Каримовга кенгашнинг Олтин медалини топширди.

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон турли спорт анжумани ва йиғилишларнинг марказига айлана бошлади. Осиё Олимпия кенгашининг таклифига биноан Осиё мамлакатлари Миллий Олимпия қўмиталари бош котибларининг навбатдаги йиғилиши Тошкентда ўтказилди. Мазкур йиғилишда Россия, Қозоғистон, Украина, Арманистон, Япония, Корея, Вьетнам, Таиланд, Тайпей, Хитой ва Мўғилистон каби давлатларнинг Олимпия қўмиталари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Энг қувонарлиси, «Тошкент декларацияси» қабул қилинди. Бу Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч томонидан Олимпия ҳаракатини ривожлантириш йўлидаги муҳим омил сифатида эътироф этилди.

Сидней Олимпиадаси арафасида Осиё Олимпия кенгашининг ижроия йиғилишида кенгаш президенти Аҳмад ал-Сабоқ Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги етакчи спорт мамалакатларидан бири сифатида эътироф этди ва Тошкент шаҳрида ООКнинг штаб квартирасини очиш таклифини маъқуллади.

Кураш бўйича жаҳон чемпионати, бокс ва кураш бўйича Осиё чемпионати, Марказий Осиё ўйинлари, теннис бўйича Ўзбекистон президенти кубогининг ўтказилиши мамлакат миқёсида спортни ривожлантиришга етарлича эътибор берилаётганининг ёрқин далилидир. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиргани учун Президент Ислом Каримовга Халқаро ҳаваскорлар кураш Федерацияси президенти Мишель Дюесон «Олтин занжир»(медал)ни топширди. Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримов жаҳон мамлакатлари орасида мазкур нуфузли медалга сазовор бўлган биринчи давлат раҳбари ҳисобланади.

Ўзбек курашининг тез суръатда оммалашиши мазкур спорт турининг халқаро мақомга эга бўлишига замин яратди. Халқаро спорт ташкилотларига Ўзбекистон вакилларининг киритилиши соҳага ихтисослашган мутахассисларнинг кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда улар турли спорт федерация ва ассоциацияларида фаолият юритмоқда. Жумладан, Осиё Олимпия кенгашига Собир Рўзиев, Ғафур Раҳимов, Тимур Низаев ва Малик Бобоевлар тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинган.

— Айни пайтда Қўмитада "Олимпиада — 2008" мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси тарғибот қилиш ва спорт бўлими бошлиғи Эльвира Рўзибоева. — Мазкур мусобоқада ўзбекистонлик спортчилар эркин кураш, юнон-рум кураши, бокс, оғир атлетика, вело-трек, сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, синхрон сузиш, триатлон, енгил атлетика каби ўндан зиёд спорт турлари бўйича иштирок этишади.

Хуллас, тарихан қисқа фурсат ичида мамлакатда Олимпия ҳаракати жадал такомил топиб, ўзбек спорти халқаро миқёсда ўз нуфузи ва салоҳиятига эга бўлди. Халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди, Ўзбекистон дунё миқёсидаги спорт мусобақалари ва илмий анжуманларнинг марказига айланди.

Энг муҳими, қатъиятли ва шижоатли спортчилар турли йўналишларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтара бошлашди.

Раҳшона ТОШПЎЛАТОВА,
«Туркистон-пресс»

ГЕРМАНИЯНИНГ ДЮССЕЛЬДОРФ ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТГАН УЧРАШУВДА ЕНГИЛМАС ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ РУСЛАН ЧАГАЕВ ЖАҲОН БОКС УЮШМАСИ (WBA) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ УНВОНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛДИ.

ЎЗБЕК БОКСЧИСИНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

Ўта оғир вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимизнинг унвонига Буюк Британия вакили Мэтт Скелтон даъвогарлик қилди.

Руслан Чагаев дастлабки тўрт раундда рақибининг имкониятларини "ўрганди". Бешинчи раунддан бошлаб ҳужумга ўтди. Ўзбек боксчисининг зарбаларидан ҳимояланиш усулини тополмаган Мэтт Скелтон, ҳакам бир неча марта огоҳлантирганига қарамай, қоидага зид амалларни қўллай бошлади. Оқибатда саккизинчи раундда ундан очко олиб ташланди.

Жангнинг сўнгги раундлари Р.Чагаевнинг яққол устунлигида ўтди. У рақибининг ўзига нисбатан ишлатаётган қўпол усулларига қарши муносиб жавоб берди. Учрашувда ҳакам ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ғалаба қозонганини эълон қилди.

Шундай қилиб, ўтган йилнинг 14 апрелида россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, Жаҳон бокс уюшмаси йўналиши бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Руслан Чагаев олтин камарини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Руслан Чагаевнинг навбатдаги рақиби 16 февраль куни россиялик Николай Валуев ва беларуслик Сергей Ляхович ўртасида бўладиган жангда аниқланиши кутилмоқда. Жаҳон бокс уюшмаси раҳбарияти қарорига кўра, мазкур беллашувда ғалаба қозонган боксчи Руслан Чагаевнинг камарига расмий даъвогар сифатида чемпионлик жангини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

"ПАХТАКОР" — ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР!

РОССИЯНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАЁТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ТОШКЕНТНИНГ "ПАХТАКОР" ЖАМОАСИ ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА.

Мусобақанинг "D" гуруҳидан жой олган пахтакорчилар биринчи турда Украина чемпиони — Киевнинг "Динамо" жамоасига қарши тўп сурди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари учрашувни кескин ҳужумлар билан бошлади. Натижада ўн биринчи дақиқадаёқ Зайниддин Тожиев аниқ зарба билан ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Вазиятни ўнглаш мақсадида олдинга ташланган "Динамо" вакиллари Ўзбекистон чемпиони ҳимоя чизиғини ёриб ўтолмади.

Беллашувнинг иккинчи ярми ҳам пахтакорчилар устунлигида ўтди. Бироқ ҳамюртларимиз қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмади. Шундай бўлса-да, ўйин 1:0 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Арманистоннинг "Бананц" жамоаси "БАТЭ" (Беларус) футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасининг амалдаги ғолиби — "Пахтакор" иккинчи тур учрашувини "Бананц"га қарши ўтказди. Ўйинда рақибга нисбатан ҳар томонлама устунлигини исботлаган тошкентлик чарм тўп усталари йирик ҳисобда ғалаба қозонди.

Ўзбек футболчилари ҳисобни ўн биринчи дақиқада очди. З.Тожиевнинг аниқ зарбасини арманистонлик посбон қайтара олмади. Орадан ўн бир дақиқа ўтгач, Анвар Солиев гол киритди.

Беллашувнинг иккинчи ярмида ҳужумга ўтган "Пахтакор" ҳимоячиси Илҳом Суюнов "Бананц" дарвозасини ишғол қилди ва ҳамюртларимизнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Гуруҳдаги иккинчи жуфтлик — "Динамо" ва "БАТЭ" жамоалари ўртасидаги беллашувда ғолиб аниқланмади – 1:1.

Иккинчи тур якунига кўра, олти очко жамғарган "Пахтакор" гуруҳда биринчи бўлиб чорак финалга йўлланма олди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа қоидасига биноан ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма олади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги соҳиби эса 27 январь куни ўтказиладиган финал учрашувда аниқланади.

ЗоҳирТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1.Тошкент ш. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Охангарон туманлараро судининг 21.09.2007й., №5829 ижро варақасига асосан хатланган, ТИФ Миллий банки Тошкент в. ҳовлисида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 11Х5835, 2005й и/ч. автомобиль. **Бошланғич баҳоси – 10 223 000 сўм.**

2.Тошкент ш. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 10.08.2006й., №ЖСК-1-366/2006 ижро варақасига асосан хатланган, ИИББ жарима майдончасида сақланаётган, "Матиз" русумли, д/р 30М3724, 2005й и/ч.автомобиль. **Бошланғич баҳоси – 8 672 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 26 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Автотранспорт билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-га МФО: 00901, ИНН:200933850, Ҳ/Р:20210000500571452105 тўланади. Манзил: Тошкент ш. С.Раҳимов т. М.Ўразбоев кўч. 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Гувоҳнома DB 001 №000004

«Меҳрли савдо» шўъба корхонаси нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан катта миқдорда

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ:

— Россия, Украина, Қозоғистонда ишлаб чиқарилган кенг турдаги ёрма (крупа)лар, жумладан:
— гречиха, сўк (оқланган тариқ), арпа, буғдой ёрмаси, бўлинган нўхат, перловка ёрмаси;
— қора ва кўк чой;
— қуруқ хамиртуриш, лавр япроғи, қора майда мурч;
— қуюлтирилган сут.

Мулоқот учун телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ 2008 йил 22, 29 февраль ва 7 март кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Аукцион савдоларига ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

«BESHQAYRAGIOCHNON» ШКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 555«а»-уй манзилда жойлашган «BESHQAYRAGIOCHNON» ШК банкрот корхонасига тегишли мол-мулклари, мулкий мажмуа сифатида қўйилади. **Бошланғич баҳоси — 286 574 300 сўм.**

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар, савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пулини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

23 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Мунажжимлар бугунги кунни инсонлардаги илк қалб мусаффолигига қайтиш куни деб тавсифлашган. Куннинг шиори – мўмин-қобиллик. Ўзгаларни фикран эзгулик билан тақдирлар экансиз, уларнинг шу эзгуликка ошно бўлишларига кўмаклашган бўласиз. Шунингдек, саёҳатлар, фестиваллар, янги лавозимга киришиш, уй-жой ва ер билан алоқадор ишлар ҳамда соч олдириш хайрли бўлиши айтилган.

Мабодо, сизни мақтаб қолишса, чиндан ҳам шунга лойиқлигингизга дадил ишонаверишингиз мумкин. Аммо ўзингиз ҳақингизда ёқимсиз гаплар эшитсангиз – жаҳлингиз чиқмасин. Чунки бу гаплар ҳам айни ҳақиқатдир. Бугун кўпроқ танбалликка мойиллик устун туради. Ташвишланмай, дам олиб, ҳордиқ чиқаринг, ўзингиз ва ҳаётингиз ҳақида мушоҳада юритинг.

Бугун жигар ва ошқозон заифлашган ҳолатда бўлиши кутилади. Овқатланишда эҳтиёткор бўлганингиз, яхшиси, енгил парҳезга риоя қилганингиз маъқул. Қон айланиш тизимини тозаловчи муолажалар, пластик операциялар ҳамда косметик муолажалар хайрли бўлади.

Тушларингиз бутунлай хаёлингизга келтирмаган нарсалар ҳақида, жумладан, ўзгалар кўмагисиз эриша олмайдиган муҳаббатингиз тўғрисида ҳикоя қилиши мумкин.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3960 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

23456

Топширилган вақти: 13.59